

КАРОР

жиноят ишлари тугатиш хақида.

2003 йил 29 октябр.

Олтиарик тумани.

Олтиарик тумани ИИБ ТБ терговчиси, милиция капитани У.Лутфуллаев 20330118-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чикиб куйидагиларни,

А н и к л а д и м :

2003 йилнинг 20 август куни соат 11 ларда Олтиарик тумани прокуратураси биноси рупарасида, фукаролар Мавжуда Отакулова, Муътабархон Тожибоева, Юлдузхон Рузиева ва Адхамжон Хазраткуловлар конуний тартибда тегишли идоралардан ружсат олмасдан, Олтиарик тумани хокимлиги шунингдек туман хукукни мухофаза килувчи идоралари рахбарларини фохиша ва кушмачиларни куллаб кувватлаётганликда, уларга карши чоралар куришмаётганликда айблаб, бу идоралар рахбарларини ишдан бушатилишини талаб килишиб, шу мазмундаги плакатлар билан намойиш ташкил киладилар.

Бу намойишдан хабар топган, туман марказига шахсий ишлари билан, шунингдек шу вақтда туман прокуратураси биноси каршисида жойлашган марказий уйингоҳда Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги шарафига ташкил килинган югуриш буйича туман спартакиадасига келган фукароларни бир қисми, туман прокуратураси биноси рупарасига тупландилар. Намойиш вақтида М.Отакулова, М.Тожибоеваларнинг «Фохиша, кушмачиларни осий керак» ва шу каби мазмундаги чакирикларидан сунг, у ерда булган фукаролар Машрапова Махфуза, Каюмова Кумрихон, Каюмова Кумушхон, Ибрагимова Тухтаҳон, Гиёсиддинова Муяссар, Холматова Мавлуда, Тухлиева Муяссарлар уларнинг талабларига ва харакатларига карши чикишиб, улар билан узаро жанжаллашиб кетишади, бунинг натижасида фукаролар М. Машрапова, Каюмова Кумрихон, Каюмова Кумушхон, Т.Ибрагимова, М. Гиёсиддинова, М. Холматова, М.Тухлиевалар намойиш утказаетган М.Отакулова ва М.Тожибоеваларни касдан уриб дуппослашиб, уларга тан жарохатлари етказадилар.

Утказилган судга оид тиббий экспертизанинг 28.08.2003 йили кунги 1048-сонли хулосасига кура, М.Тожибоевани буйин сохасида шилинма, иккала сон ва унг елка, унг кул билан, унг курак сохаларидаги конталашлари ва юмшок туқималарини лат еганлиги, бошини юмшок туқималарини лат еганлиги, шишганлиги, канталаш, иккала билан кул сохаларидаги тирналмалар аниқлангани, бу тан жарохатларининг огирлик даражаси 6 кундан куп булмаган муддат ичида тез утиб кетадиган ЕНГИЛ шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Утказилган судга оид тиббий экспертизанинг 30.08.2003 йили кунги 2219-сонли хулосасига кура, М.Отакуловада иккала чака сохаларида юмшок туқималарини лат ейиши, чап болдир кафт бугими сохасида шилинма, чап тизза бугими ва унг елка сохаларида конталашлар аниқлангани, бу тан жарохатларининг огирлик даражаси 6 кундан куп булмаган муддат ичида тез утиб кетадиган ЕНГИЛ шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Мазкур холат юзасидан тупланган дастлабки материалларга асосан 2003 йилнинг 2 сентябр куни мен томондан Узбекистон Республикаси ЖК-нинг 277-моддаси 2-қисми «б» банди аломатлари билан жиноят иши кузгатилиб, дастлабки терговга киришилган.

Жиноят иши буйича тергов давомида сурок килинган жабрланувчи М.Отакулова уз кургазмасида хақиқатан ҳам 2003 йилнинг 20 август куни тахминан соат 10дан 05 дақиқа утганда Олтиарик туман прокуратураси биноси рупарасига етиб келганлиги, узи билан бирга «кушмачи ва фохишаларни хомийлари булган туман хукукни мухофаза килувчи идоралар рахбарларини истейфосини талаб киламан» деган ёзув булган плакатни олиб келганлиги, уша пайтда прокуратура биноси рупарасидаги стадионда югуриш буйича спорт уйинлари мусобақаси утказилаётганлигини курганлиги, 10-15 дақиқадан сунг у ерга мустақил журналист М.Тожибоева, Андижон вилоятдан Ю.Рузиева, Кува туманилик унга нотаниш бир йигит келганлиги, уларни ҳам кулларидан плакатлар булиб, плакатларга нималарнидир ёзишганлиги, шу вақтда фохишалар ва кушмачилар улар томонга югуришганлиги, уни уша ерда булган Машрапова Махфуза,

Ибрагимова Тухтахон, Каюмова Кумушхон, Каюмова Кумрихон, Холматова М уришганлигини курганлиги, улардан ташкари у ерда Холматова Шахноза, Эга Тухлиева Муяссар, Мелибоева Хосият, Хамролиева Мухайёлар ҳам булганлиги, милиция ходими О.Эргашев химоя килиб, «ДАМАС» машинасида туман ИИБ идо кетишганлигини маълум килган.

Иш вараги _____

Гувоҳ тарикасида сурок килинган Ибрагимова Тухтахон уз кургазмасида 2003 август кунни туман марказидан кизи Гулноза билан бирга ота онасиникига кетаётиб, М.Ота ва бошқаларни туман прокуратураси биноси олдида намойиш утказётганлигини булганлиги, М.Отакулова у яшаб турган жойда махалла фукарлар йигини раиси экан М.Отакулова 2003 йил 14 август кунни уни шарманда килиб, уйдаги кучлари билан онасиникига кучиртириб юборганлиги, намойиш вақтида ҳам уни, шунингдек бошқа аёллар ҳам «Фохишалар, сенларни осий керак» деб ҳақорат килганлиги, шундан сунг М.Отакулова уни ёнида булган, кейин билишича М.Тожибоеваларни сочларидан юлиб, тан жароҳатлар етказганлиги ҳақидаги кургазмалар беради.

Иш вараги _____

Гувоҳ тарикасида сурок килинган Холматова Мавлуда уз кургазмасида 2003 йил 20 август кунни эрталаб туман марказидаги ёшлар уртасида ташкиллаштирилган спорт уйинларига турмуш уртоғи Олимжон, угли Санжарбеклар билан бирга келганлиги, уша пайтда туман прокуратур биноси олдида М.Отакулова ва бошқалар намойиш утказишаётганликларини гувоҳи булганлиги уша пайтда М.Отакулова уни ҳам ҳақорат килганлиги, шундан сунг бошқа аёллар катори у М.Отакулова ва ун ёнида булган аёлни урганлиги ҳақида кургазмалар беради.

Иш вараги _____

Гувоҳ тарикасида сурок килинган Каюмова Кумушхон, Каюмова Кумрихон, Гиёсиддин Муяссарлар ҳам уз кургазмаларида гувоҳ тарикасида сурок килинган М.Холматова кургазмаларини тасдиқлаб, намойиш вақтида М.Отакулова ва уни ёнида булган аёл уша ер булган аёлларни ҳам ҳақорат қилишганлиги, натижада узаро жанжал чиқиб М.Отакулова ва ун ёнида булган аёлни уришганлиги ҳақидаги кургазмаларни берадилар.

Иш вараги _____

Гувоҳ тарикасида сурок килинган Тухлиева Муяссар, Машрапова Махфузалар гарчи кургазмаларида ходиса вақтида М.Отакулова ва М.Тожибоевалар томонид ташкиллаштирилган намойиш утказилган жойда булишиб, М.Отакуловага, шунинг М.Тожибоеваларга тан жароҳатлари етказганликлари ҳолатини инкор этган булишсада, уларни касддан М.Отакулова, М.Тожибоеваларга тан жароҳатлари етказганлиги ҳолати улар бил М.Отакулова уртасида утказилган юзлаштириш тергов ҳаракатлари давомида, шунингдек гувоҳ Эгамова Одина, гувоҳ И.Мамадалиёвларнинг кургазмалари билан тасдиқланган.

Иш вараги _____

Жабрланувчи М.Отакулова гарчи уз кургазмаларида ҳолдиса вақтида фукарлар Холматова Шахноза, Эгамова Одина, Мелибоева Хосият, Хамролиева Мухайёлар ҳам ун нисбатан касддан тан жароҳатлари етказишганликлари ҳақидаги кургазмаларни берган булсада бу шахсларнинг М.Отакулова ва М.Тожибоеваларга нисбатан касддан тан жароҳатлар етказмаганликлари уларнинг гувоҳ тарикасида сурок килинганда берган кургазмалари, уларнинг М.Отакулова билан урталарида утказилган юзлаштириш тергов ҳаракатлари баённомалари гувоҳ тарикасида сурок килинган Халилова Садокат, Фасхутдинова Танзила, Емельянова Ол Ниязова Матлуба ва бошқаларнинг берган кургазмалари билан тасдиқланган.

Иш вараги _____

Ходиса вақтида М.Отакулова ва М.Тожибоеваларга касддан тан жароҳатлари етказган Ибрагимов, К.Каюмова, М.Гиёсиддинова, М.Машрапова ва бошқаларнинг М.Отакуловага атан адоватлари булганлиги ҳолати, М.Отакулова ва бошқаларга нисбатан туман ҳуқуқатраси томонидан кузгатилган 20336018-сонли жиноят иши материаллари билан аниқланган булиб, ушбу жиноят иши материалларига кура 14.08.2003 йили куни М.Отакулова амза шаҳар Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келгани ҳолда, Ибрагимовани яшаб турган уйдан мажбуран кучириб юборишни, бошқаларини эса яшаб турган уйларида мажбуран кучага олиб чиқиб, уларни ялонгоч қилиб, қулларини боғлаб, фуқаролар уртасида сазойи этилишини ташкиллаштирган.

Иш вараги _____

Юқорида баён қилинганлардан қуриниб турибдики, фуқаролар М.Отакулова ва М.Тожибоеваларга нисбатан касддан ЕНГИЛ тан жароҳатлари етказган М. Машрапова, Каюмова Кумрихон, Каюмова Кумушхон, Т.Ибрагимов, М. Гиёсиддинова, М. Холматова, М.Тухлиеваларнинг ходиса вақтидаги ҳаракатлари жамоат тартиби ва фуқароларни тинчлигини бузишга қаратилмаганлиги, балки улар билан жабрланувчилар урталарида булган адоват натижасида, шунингдек ходиса вақтида жабрланувчилар томонидан улар ҳақоратланганлиги сабабли юзага келган жанжал оқибатида улар томонидан М.Отакуловага, шунингдек М.Тожибоеваларга нисбатан касддан тан жароҳатлари етказилганлиги аниқлангани, М. Машрапова, Каюмова Кумрихон, Каюмова Кумушхон, Т.Ибрагимов, М. Гиёсиддинова, М. Холматова, М.Тухлиева ва бошқаларнинг ҳаракатларида безорилик ёки бошқа жиноят аломатлари йуқлиги сабабли, жиноят ишини тугатиш лозим бўлади.

Юқоридагиларга асосланиб ва Уз.Р.ЖПК-нинг 83-моддаси 2-қисми, Уз.Р.ЖПК-нинг 373,374-моддаларини қуллаб,

КАРОР ҚИЛДИМ:

1. 20336018-сонли жиноят иши фуқаролар Махфуза Джаббаровна Машрапова, Кумрихон Машраповна Каюмова, Кумушхон Анваровна Каюмова, Тухтахон Бозоровна Ибрагимов, Муяссархон Назриддиновна Гиёсиддинова, Мавлуда Эргашевна Холматова, Муяссар Туйчиевна Тухлиеваларнинг, шунингдек Холматова Шахноза, Эгамова Одина, Мелибоева Хосият, Хамролиева Мухайёларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби булмаганлиги сабабли тугатилсин.
2. Фуқаролар М. Машрапова, Каюмова Кумрихон, Каюмова Кумушхон, Т.Ибрагимов, М. Гиёсиддинова, М. Холматова, М.Тухлиеваларнинг ҳаракатларида Уз.Р.МЖТК-нинг касддан енгил тан жароҳати етказганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган 52-моддаси 2-қисмида курсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги сабабли, жиноят ишининг уларга тааллуқли булган қисми материал тарикасида ажратилиб, уларга нисбатан маъмурий тартибда чора қуриш масаласини ҳал этишлик учун Олтиарик тумани ИИБга юборилсин.
3. Қабул қилинган қарор тугрисида жабрланувчиларга, шунингдек бошқа манфаатдор томонларга ҳабар қилинсин.
4. Қарор нусхаси Олтиарик туман прокурорига юборилсин.

Олтиарик тумани ИИБ ТБ терговчиси,
Милиция капитани:

У.Лутфуллаев.

«КУШИЛАМАН»

Олтиарик тумани ИИБ ТБ Бошлиғи,
Милиция майори:

С.Тошпулатов.